

Единый портал корпоративной информации

"Agrobank" ATB

Объявление

"AGROBANK" AKSIYADORLIK TIJORAT BANKI

“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БИЛДИРИШНОМА

“Агробанк” АТБ банк Кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 7-сонли мажлис баёнига асосан 299 657 534 (Икки юз тўқсон тўққиз миллион олти юз эллик етти минг беш юз ўттиз тўрт) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар чиқарилганлигини ҳамда 2023 йил 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида P0226-29-сон билан руйхатга олинганлигини маълум қилади.

Бир дона акциянинг сотиш нархи 1168 сўм миқдорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан 2023 йил 6 сентябрь ҳолатига овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу қўшимча чиқарилган акцияларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдorigа мутаносиб миқдорда белгиланган нархда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни сотиб олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка (Бош офис ва банк филиаллари орқали) тақдим этиш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишлари мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати 2023 йилнинг 18 сентябридан бошлаб 10(ўн) кунни ташкил этишини маълум қиламиз.

Банкнинг почта манзили: 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

Банкнинг электрон почта манзили: senbum@agrobank.uz

18.09.2023й.

18.09.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16276/>

Дата: 25.06.2026